ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ ХУСУСИДА

Раҳмонали Ҳасанов
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, Халқаро Турон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Турон ФА академиги ва вице-президенти, Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари Тарихи институти Тошкент шаҳри филиали директори, профессор

Аннотация: Мазкур мақолада Қўқон адабий муҳитини шаклланиши, Қўқон шаҳрининг илм-фан ва маданият марказига айланиши омиллари, таълим тарбия жараёнлари хусусида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили қисқача баён этилган.

Калит сўзлар: Қўқон шаҳри,Қўқон адабий муҳити,Умархон Амирий, шоир, шоиралар, мактаблар,мадрасалар,таълим услублари, ўқув дастури, дарслик ва қўлланмалар.

Фарғона вадийси Бухоро хонлигидан ажралиб, бу ерда мустақил Қўқон хонлигига асос солингач, пойтахт Қўқон шаҳри илм-фан ва маданият маркази сифатида равнақ топиб борди. Айниқса Умархон ҳукмронлиги йилларида шаклланган Қўқон адабий муҳити, хонлик маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу адабий муҳитнинг самарали таъсири ўлароқ кейинчалик ҳам Қўқон шаҳридан бир қанча етук шоир-у шоиралар,тарихчилар етишиб чиқди[9].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, манбаларда қайд этилишича адабиётшуносликда Ҳирот адабий муҳитидан кейин Қўқон адабий муҳити алоҳида эътироф этилади. Мазкур муҳитнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ушбу даврда бадиий ижод майдонида ўзбек тилининг мавқеи ошди, форс-тожик ҳамда туркий шеърият услубларининг синтези вужудга келди. Шунингдек, аёллар шеърияти пайдо бўлганлиги, ўзбек тилида тамсилий ва эпик жанрлардаги асарлар ҳам яратила бошлаганлиги. қолаверса, китобат ва таржимачилик жонланиб, ўзбек тилидаги асарлар кўп нусхада кўчирилганлиги, котиблар мунтазам равишда рағбатлантирилганлиги катта аҳамияга молик бўлиб, Қўқон хонлигида адабий муҳитнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Темурийлар давридаги анъаналарнинг қайта тикланиши,“Амирий” тахаллуси билан гўзал шеърлар ёзган ҳукмдор Умархоннинг саъй-ҳаракати туфайли амалга ошгани унинг ўзбек маданияти тарихида маънавият ва

маданиятни юксалтирган шахс эканлигидан далолат беради. Умархон сиёсий, маърифий ва адабий фаолияти билан ўзбек давлатчилиги, маданияти ва адабиёти тарихида ноёб ҳодиса ҳисобланади. Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий замонидан сўнг таназзулга юз тутган илм-маърифат ва маданий ҳаёт айнан Умархон Амирий ва унинг рафиқаси Нодирабегим замонида янада жонланиб, миллий адабиётимиз янги номлар ва асарлар билан бойиган.Умархон даврида Қўқонда юзлаб шоирлар ижод қилганлар. Махмур, Гулханий, Маҳзуна, Мушриф, Музниб, Вазир, Маҳзун, Мунший, Зоҳид, Мужрим, Тоиб, Ошиқ, Нусрат, Аҳрор, Нодир, Диловар, Жалолий, Азимий, Вафоий, Маъдан, Ғозий, Рамзий, Шарифий, марғилонлик Увайсий, наманганлик Фазлий каби ўша давр шоирларининг кўпчилиги Шарқ мумтоз сўз санъатининг забардаст намояндалари ижодини чуқур мутолаа қилганлар. Улардан маҳорат сирларини ўрганган, шеърият қонун-қоидаларини яхши ўзлаштирган истеъдодли ижодкорлар бўлишган. Бу номларнинг кўпчилиги кенг жамоатчиликка ҳали маълум эмас. Ҳолбуки, улар мумтоз адабиёт тарихида мавжуд анъаналарни ўз даври шароитида давом эттирибгина қолмасдан, поэтик мазмунни бойитишга ҳам хизмат қилганлар. Мазкур шоирларнинг нафақат Қўқон адабий муҳитидаги, балки ўзбек мумтоз сўз санъати тараққиётидаги ўрнини белгилаш, илмий ва кенг жамоатчиликка тақдим этиш, янги илмий тадқиқотлар учун йўл очиш, шоирлар ижодиёти асосида ёшларда миллий маънавий мерос ва қадриятларга ҳурмат ва миллий ғурурни юксалтириш зарурияти бир қатор тизимли ишларни амалга оширишни тақозо қилади.

Президентимизнинг 2020 йил 20 май куни Тошкент шаҳрида бунёд этилган Адиблар хиёбонига ташрифи доирасида берган топшириқлари ва мазкур масалага бағишланган мажлис баённомасида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Атоқли адиблар ва мутафаккирларимиз ижодий меросини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ҳамда Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида” [1.] қарорида, шунингдек, 2020-йил 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи доирасида қилган маърузаларида миллий адабиётни ривожлантириш, мумтоз ва замонавий адабиётимиз дурдоналарини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш масаласи алоҳида вазифа қилиб белгиланди.

Миллий қадриятларимиз, маънавий бой меросимизни тиклаш ва уларни чуқур ўрганиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимиз ўртасида тарғиб этиш, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбандий ва Маҳмуд Замаҳшарий сингари юртимиздан етишиб чиққан буюк муҳаддис, фақиҳ, тасаввуф ва муфассир алломалар меросини ҳар томонлама теран ўрганиш, юксак инсоний ғоялар ва муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган манбаларни тадқиқ

этиш, улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиш, диний ходимларнинг малакасини, билим ва тажрибасини ошириш бўйича ўқув-услубий ишларни амалга ошириш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, азалий миллий қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, юртимиз тарихи зарварақларига олтин ҳарфлар билан муҳрланган нодир қўлёзмаларни келгуси авлодларга етказиш, аждодларимиз ҳаёти, ахлоқи ва юксак маънавиятини ифодаловчи матнларни таржима қилиб, ёшлар қалбида улар қолдирган меросга ҳурмат, эъзоз ва муҳаббат туйғусини шакллантириш, юртимиз Мовароуннаҳрнинг Бухоро, Самарқанд, Марв, Урганч, Ахсикент, Хива, Шош, Қўқон, Марғилон ва бошқа шаҳарларидаги маърифат масканлари бўлмиш мадрасаларда етишиб чиққан алломалар ҳақида, улар таҳсил олган мадрасалар ва ҳозирда юртимиз Ўзбекистонда ишлаб турган мадрасалар ҳақида талабаларга маълумот бериб бориш ҳар биримизнинг олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Ҳўқанди латиф! Бу гўзал ифода ва таъриф мана неча асрдан буён жаранглаб келмоқда. Қўқон ҳақида гап кетганда, аввало, унинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни ва роли эсланади. 150 йил давом этган хонлик даврида Қўқон гоҳ иқтисодий, гоҳ сиёсий, гоҳ маданий жиҳатдан тараққий этган, ёки, аксинча, кўп соҳаларда анча пасайган ҳам. Лекин ҳамма даврларда ҳам моҳир ҳунармандлари, шоиру фозилларининг номи етти иқлимда машҳур бўлган.

Қўқон Фарғона водийсида энг қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади. Унинг тарихи ҳақида илк ёзма маълумотлар милоддан олдин II асрнинг бошларида бу ерга келган Хитой сайёҳи Чжянь Цянь битикларида учрайди. У битикларида водийда Давань давлати борлиги, унинг улуғвор маркази, шаҳар мавжудлиги хусусида ёзиб қолдирган.

Қадимшунослар тадқиқотларида Давань давлатининг улуғвор маркази Қўқон шаҳри бўлганлиги археологлар Қўқон шаҳри, унга яқин жойлардаги қазишма ишларига кўра, шаҳар остида олис мозийга оид маданий қатламларни топдилар. Бу топилмалар шаҳарнинг ёши 2 минг йилдан кам эмаслигини кўрсатди. Қўқон шаҳри ҳақидаги ёзма маълумотлар араб манбаларида ҳам учрайди. X аср сайёҳи ал-Истахрий “Китоб ал-масалик” асарида “Сўх ва Хуваканд, Хуваканд ва Ахсикент оралиғи бир кунлик йўл”, деб белгилайди. Муаллифи номаълум “Ҳудуд ул олам” асарида Хавоканд, Риштон, Зандаромаш экинзорлари кўп гавжум шаҳарчалар, деб тилга олинади.

Шаҳарнинг кейинги тарихи хусусида Жамол Қарши, Муҳаммад Вафо Карминагий ва XVII аср муаррихлари асарларида кўп маълумотлар мавжуд. Шаҳарнинг номи келиб чиқиши тўғрисида олимлар турли хил фикрлар билдирадилар. Баъзилари “Хуркант” — тепаликдаги шаҳар, мазмунини

билдиради деса, бошқалари “Хўқан” — кичик кўза маъносини англатади, дейишади. Айрим тадқиқотчилар эса “Хўканд” — ёқимли, хушманзара жой, латиф шаҳар мазмунидан келиб чиққан**,[10.**] деб баҳолайдилар.

XIX аср бошларида Қўқон хонлигида бошланган илмий, маданий- адабий муҳитнинг шаклланиши ва ривожланишида бевосита хонликдаги мактаб ва мадрасаларнинг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга моликдир. Улар халқни маърифатли қилиш, анъанавий таълим ва маданий-маънавий ҳаётни юксалтиришда катта роль ўйнаган.

Қўқон хонлари архивларида беклар ва хонлар саройларида сағир (етим)лар учун очилган мактаблар ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган. Бундай мактаблар давлат маблағлари ҳисобига фаолият юритган. Хусусан, архив материалларига кўра, Худоёрхоннинг учинчи марта Қўқон хонлиги тахтига ўтирган чоғида энг катта ва бой вилоят – Марғилоннинг беги, унинг укаси Султон Муродбекнинг хазиначиси ва иш бошқарувчисининг ёзишмалари сақланиб қолган. Унда шундай дейилади: **“Сағирлар мактабига кир ювиш учун эллик пайса совун ва бир танга пул беринг.** 1289 йил. Муҳр: **Мирза Муҳаммад Юсуф”**

Туркистон генерал-губернаторлиги архиви фондларидаги маълумотлар ва империя маъмурларининг фикрича, XIX асрда маҳаллий мактаблар икки хил бўлган: **Биринчиси,** қуйи мактаблар бўлиб, масжидларда фаолият юритган. **Иккинчиси** юқори мактаблар, фақат шаҳарларда, катта қишлоқларда иш олиб борган**.** [2: Б.15.]

Маълумки, XIX аср бошларига келиб, Ўрта Осиёда иқтисодий ривожланиш бошлангани туфайли таълим соҳасида ҳам айрим ўзгаришлар юз бера бошлаган. Мактаб ва мадрасалар қуриш авж олиб, айниқса, Қўқон**,** Тошкент, Бухоро каби шаҳарларда уларнинг сони тез кўпайган.

Бу даврда бир неча турдаги диний таълим муассасалари (мактаб, мадраса, қорихона, далоилхоналар) мавжуд эди. Мактаблар бошланғич таълим муассасаси ҳисобланиб, унда болаларга ёзиш ва ўқиш ўргатилган, дин ҳақида дастлабки маълумотлар берилган. Мадрасалар юқори турувчи ўқув муассасаси ҳисобланган. Қорихона ва далоилхоналар қуйи диний хизматчиларни тайёрлаган.

Россия босқинига қадар Ўрта Осиё ҳудудида мавжуд бўлган мактаблар сони ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Бироқ, адабий манбалар, Ўрта Осиёга келган саёҳатчиларнинг сафар қайдномалари, ҳисоботлари ва хабарларига асосланиб, XIXаср бошларида Туркистон ўлкасидаги мактаблар ҳолати ҳақида умумий бир хулосага келиш мумкин. Чунончи, шаҳарлардаги мактаблар сони масжидлар сонига тахминан тенг бўлган. Бу бежиз эмас. Зеро, юқорида айтиб ўтганимиздек, мактаблар деярли доимо масжидлар ҳузурида

очилган. Тахминларга кўра, ўша даврда аҳолиси 500 минг кишини ташкил этган Тошкент шаҳрида салкам 150 та мактаб мавжуд бўлган, лекин буни ҳам тўлиқ маълумот деб бўлмайди

Ана шундай маълумотлар XIX аср бошларида Ўзбекистоннинг бошқа шаҳар ва қишлоқларига қараганда маданий ҳаёт анча қизғин бўлган Қўқон шаҳри бўйича ҳам учрайди. Хусусан, 1813-1814 йилларда Қўқон шаҳрида бўлган рус элчиси Ф.Назаров ўз ҳисоботларида Қўқонда **“тўрт юзтагача масжидлар** мавжудлиги”ни ёзади.

Шуни таъкидлаш жоизки, мактаблар одатда вақф даромадига эга бўлган масжидлар ҳузурида очилган. Лекин бу ўринда мактаблар вақф даромадига эга бўлган экан, деган хулосага бориш ноўрин бўлади. Чунки мактаблар масжидга қарашли вақф даромадининг бир қисмидан фойдаланган, холос. Бундан ташқари, мактаблар аҳоли томонидан очилиши ва таъминланиб турилиши мумкин бўлган. Одатда бунда машғулотлар мактабдор ўқитувчининг уйида ўтказилган.

Илм олиш истагидаги ҳар бир киши мулкий ҳолатидан қатъи назар, мадрасага кириб ўқиши мумкин бўлган. Ҳозирги Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида ўнлаб мадрасалар қурилган ва ишлаб турган. Бу мадрасалар **уч тоифага бўлинган, яъни:** хусусий мадрасалар,эшон мадрасалари, Хонлар, сарой амалдорлари томонидан қурдирилган **йирик мадрасалар** “хон мадрасалари**”** [8] дир

Мисол учун, Тошкентдаги Бароқхон ва Қўқонда 1858 йили **Худоёрхон қурдирган Али мадрасаси хон мадрасаларидир**. Диний раҳнамолар, эшонлар, пирлар қурдирганлари **эшон мадрасалар дейилган. 1458 йили Тошкентда Хўжа Аҳрор Валий, 1841 йили** Андижонда Халфа Азиз эшон қурдирган мадрасалар шулар сирасига киради. Йирик ер эгалари, бойлар, савдогарлар қурдирган мадрасалар хусусий мадрасалар бўлган. Бундан ташқари, вақф мулкининг миқдори, даромади ва ҳужраларнинг сонига қараб, мадрасалар йирик, ўрта ва масжид мадрасаларга ҳам бўлинган. Мадрасаларнинг асосий қисми йирик шаҳарларда жойлашган. “1875 йили Фарғона водийсининг гавжум шаҳарлари – Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган ва Ўшда 182 та мадраса бўлиб, уларда 10391 талаба таълим олган”**. [3.]**

Мадраса муассислари мадрасани таъминлаш учун махсус мулк – вақф ажратишган ва бу мулкни бошқарувчи мутаваллини тайинлашган. Мадрасаларнинг вақф даромадларидан бир қисми вақф мулкини сақлаб туриш, мадраса биносини таъмирлаш учун ажратилган, маълум қисми мутавалли, мударрислар, талабалар, масжид имоми, муаззини, сартароши, фарроши ва бошқа хизматчиларга берилган.

Мадрасага мактабхонани тугатганлар қабул қилинган. Талабалар ёши 10 дан 40 ёшгача бўлган. Улар мадраса ётоқхоналарида яшаш ҳуқуқига эга бўлган. Талабалар кундузги бўлим ва дарсларга эркин қатновчи сиртқи бўлим талабалари тоифаларига ажратилган.

Тарихчи олим Ш.Воҳидов Қўқон хонлиги тарихнавислигига бағишланган тадқиқотларида маҳаллий тарихий асарлар ва бошқа туркум манбалардаги маълумотларнинг қиёсий таҳлили асосида XIX аср ўрталарида Қўқон хонлигининг ўзида 350 дан ортиқ мадраса мавжуд бўлгани ҳақида ёзади**.[** 4: Б. 55.]

Табиийки, бу мадрасаларнинг аксарияти хонлик шаҳарлари, қисман йирик қишлоқлари ҳиссасига тўғри келган. Масалан, мамлакат пойтахти Қўқон шаҳри 540 та маҳалладан ташкил топган бўлиб, XIX асрнинг биринчи ярмида 15 та йирик мадраса фаолият кўрсатган**. [5:C.17**]

Ёзма манбалар, тарихий ҳужжатлар ҳамда архив материаллари устида олиб борилган изланишлар жараёнида эса XVIII аср иккинчи ярмидан XIX асрнинг 70–йилларига қадар Қўқон шаҳрида қурилиб, ишга туширилган 40 га яқин мадрасалар аниқланди. Тадқиқотчи М.Алихўжаевнинг таъкидлашига кўра, Қўқон хонлигида буюртмачининг талабига кўра бунёд этилган мадрасалар ҳам мавжуд бўлган ва улар характерига кўра бугунги кунгача бўлган тадқиқотчилар томонидан учта катта турга бўлинган. Булар хон мадрасалари, эшон мадрасалари ва мулкдорлар қурдирган мадрасалардир**.** [6.: Б. 18.]

Албатта, уларнинг нима мақсадда қурилгани кейинчалик фаолият кўламига ва тақдирига ҳам катта таъсир ўтказган. Таъкидлаш жоизки, мадрасаларни туркумлашда уларнинг юзага келиш шарт-шароитларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Масалан, айрим мадрасалар жомеъ масжидларда талабаларга дарслар ташкил этиш мақсадида қўшимча ҳужраларнинг очилиши билан ҳам юзага келган.

Қўқон хонлигида таълим тизимида – мактаб ва мадрасалар тарихи ўрганилганда бу соҳага давлат хукмдорлари алоҳида имтиёзлар берганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Айнан мактаб ва мадрасаларнинг солиқ сиёсатида қўлга киритган имтиёзлари нафақат таълим маскани учун, балки толиби илмлар ва мударрис-домлалар учун ҳам қулай шароитни ярата олган.

Тадқиқотчи З.Хатамова Қўқон хонлиги солиқ тизимини ўрганиш мобайнида мадрасаларнинг солиқлардан озод этилганлиги ва қонун қоидаси қандай бўлганлигини таҳлил этишда қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган: Қўқон хонлигида “вақфи махсус” – мактаб ва мадрасалар очиб, вақф таъсис этиш кенг тарқалган бўлиб, бундай мулкларни истисно қилинган ҳолатлардан бошқа вазиятларда сотиш ёки совға қилиш мумкин эмас эди. Вақфлар, шунингдек, мадраса, мактаб, қорихона, шифохона, ногиронлар уйлари,

кутубхоналар учун васият қилинар эди. Улар орасида энг кенг тарқалгани мактаб ва мадрасалар вақф ерлари бўлиб, улар таълим муассасаларининг фаолият кўрсатишида асосий омил ҳисобланарди. Бу анъана, айниқса, ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғини деҳқончилик ташкил этувчи Мовароуннаҳр минтақасида кенг тарқалган бўлиб, Қўқон хонлигида ҳам вақф қилинган экин ерлар катта ўринни эгаллаган. [7]

Чекка қишлоқлар мактабларининг мулклари ниҳоятда кам бўлган, масалан, 1832 йилда Андижон шаҳрининг Олайлик даҳаси Домулла Салимбобо қози маҳалласида қурилган Охунд домулла Салимбобо қози мактаби вақфномасида кўрсатилишича, битта ер участка, битта тегирмон шу мактабга тегишли бўлган.

Мадрасаларга тегишли бўлган мулк миқдори кўп ва оз бўлсада уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмаган. Чунки, Қўқон хонлиги Қўқон беклигидаги мактабларда ўқув, таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйиш, таълим сифатини ошириш мақсадида вақф мулки ва даромади мавжуд бўлган. Вақф даромади мактабнинг моддий базаси ҳисобланган. Вақф мулки бор мактабларда ўқитувчи маоши, мактаб биносини таъмирлаш ишлари вақф даромади ҳисобидан амалга оширилган.

Мадрасалар фаолиятида шу мадрасада мударрислик қилаётган шахсларнинг салоҳияти катта аҳамият касб этган. Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларида бўлганидек, Қўқон хонлигида ҳам мадраса мударрислари давлат ва жамиятнинг энг кўзга кўринган, маданий-маънавий муҳит ривожига ҳамда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига катта ҳисса қўшган фаол шахслар бўлганлар. Уларнинг аксарияти диний мансаб эгалари бўлиш билан бирга мадрасаларда талабаларга сабоқ бериш билан ҳам машғул бўлганлар. **Катта мавқега эга бўлган пойтахт мадрасалари мударриси одатда хон томонидан, бекликлардаги катта мадрасалар мударриси эса жойлардаги ҳокимлар томонидан тайинланган ва бу хусусда махсус ёрлиқлар чиқарилган**. Кўп ҳолларда кучли билимга эга бўлган мударрислар **аълам, муфтий, қозилик амалларига** кўтарилган. Мавжуд тарихий ҳужжатларга қараганда, бундай вақтда уларнинг мадрасалардаги мударрислик мақоми уларнинг хоҳишига кўра сақланиб қолган. Масалан, 1864 йилда Султон Саъидхон томонидан Домулла Мансурхўжанинг Қўқон раиси мансабига тайинлангани ҳақидаги ёрлиқда унинг янги лавозимга ўтишига қарамай, аввалги аълмлик ва мударрислик

вазифаларининг сақланиб қолиши ҳақида эслатиб ўтилган**.[** 7: Б.38]

Қўқон хонлигида иқтисодий барқарорликни таъминловчи солиқ тизими маданий-маориф соҳаси билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлган. Масжидлар қошидаги мадрасалар, қишлоқ мактаблари мулкларидан ҳам давлат солиқлари – хирож, танобона, закот сингари солиқлар ундирилган [7:Б.117]. Хирож ва танобона солиғи деҳқончилик ва боғдорчилик маҳсулотларидан олинган. Закот

солиғи эса савдо соҳасидаги мулклардан олинган. Бундай мулклар шаҳардаги йирик мадрасаларда мавжуд бўлган ва улар бозорлардаги расталари ва карвонсаройлари бўлган. Масалан, Қўқондаги Минг Ойим мадрасаси тасарруфида 1та карвонсарой, 14 та дўкон ва турли қишлоқлардаги майда ерлардан ташқари, 15 та қишлоқ ерлари бор эди.

Пойтахт Қўқондаги мадрасалар бекликлардаги ёки қишлоқлардаги мадрасалардан фақатгина ҳашаматли бинолари билан эмас, ўқитиш савияси, таълим сифати билан ҳам ажралиб турган ва бу фарқни рус маъмурлари ҳам таъкидлаб ўтганлар. В.П.Наливкиннинг эътироф этишича, Қўқон ва Марғилондаги мадрасалар алоҳида ажралиб турган. Хусусан, XIX асрнинг 70-80 йилларига келиб Қўқон шаҳридаги мадрасалар мусулмон университетлари сифатида Бухоро билан рақобатлаша оладиган даражага етган. Талабалар фақат Туркистон ўлкасидан эмас, балки Бухоро ҳудудларидан ҳам кела бошлаган.

1841 йилги маълумотларга қараганда, Қўқон шаҳридаги хоннинг асосий мадрасасида 1000 та мулла ўқиган. Бу мадрасани иккита бош мударрис бошқарган: Эшон Мавлоний ва Маҳзуми Бухорий. Булар ҳурматли инсонлар бўлиб, катта илмга эга эдилар. Мадрасалар Кўкон хонлигининг бошқа шаҳарларида ҳам бор эди, аммо улар Қўқондагидек салобатли ва катта эмасди. Ўқишни битирганларнинг айримлари билимини такомиллаштириш ва ошириш учун Бухоро ва Самарқанд мадрасаларига ҳам бориб ўқишар эдилар. Ҳар бир мактабдор домланинг ҳам ўзича ўқитиш услублари бўлган. Уларнинг баъзилари болаларнинг ёш хусусиятларига алоҳида эътибор берган ҳолда кичик ёшдаги ўқувчиларга ҳуснихат ва оғзаки ҳисобни ўргатса, катта ёшдаги ўқувчиларга эса Қуръоннинг оят ва сураларидан ташқари форс, араб, туркий тилларда ёзилган ўнта ҳаётий китобларни ҳам ўқишни ўргатар эди. Демак, дастлабки бошланғич таълимдан сўнг Қуръон хатм қилиниб, «Чор китоб», кейин эса «Сўфи Оллоёр» ибтидо қилинган. Сўнгра «Калила ва Димна», «Қобуснома» сингари донишмандлик руҳидаги китоблар ўқитилган. Ўқувчиларга «Одобнома» дастурлари асосида дарс берилган. Халқ оғзида юрган ахлоқий, маънавий, фалсафий руҳдаги мақоллар, масаллар, мажмуалар, ривоятлар, ҳикоятлардан эса тарбия воситаси сифатида фойдаланилган. Мадрасаларда ўқув дастури асосан уч **босқичда: бошланғич (адно), ўрта (авсат) ва юқори (аъло) босқичларда олиб** борилиб, унда учта тил (араб, форс ва туркий) мукаммал ўргатилган. Мадрасаларда Қуръон илми (ўқиш услублари, қироат, тавсиф), фиқх (шариат қонунлари), ҳандаса, илми нужум, ахлоқ, фалсафа, мантиқ, адабиёт, жуғрофия, тарих, табобат фанлари ўқитилган. Талабалар араб ва форс тиллари орқали Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр», Ҳофиз Шерозий девони, Мирзо Абдуқодир Бедил девони, Мир Алишер Навоийнинг «Чор девон»и, Фузулий ғазалиёти ҳамда Шарқда миллий таълим соҳасида дарслик ва

қўлланма сифатида фойдаланиб келинаётган «Маслак ул-муттадин», «Аввали илм», «Муъзи Вазанжоний», «Авомил», «Ҳаракат», «Қофия», «Шарқи мулойи Жомий», «Рисолаи Шамсия» каби рисолалар билан танишиш имконига ҳам эга бўлганлар.[11]

Бу эса мадрасаларда таълим жараёнида бадиий адабиётнинг мумтоз намуналари кенг ўрин олганлигини, дунёни англаш, тафаккурни шакллантириш борасида бадиий асарларга алоҳида аҳамият берилганлигини кўрсатади.

Мадрасаларнинг ўқув дастуридан араб тили грамматикаси, морфологияси (сарфи), синтаксиси (наҳви), этимология, нотиқлик, дин тарихи, қироат илми ва мунозара маданияти, илоҳиёт ва қонуншунослик, ҳадис, фиқҳ, ақоид, мерос тақсимоти, фалсафа, мантиқ, риёзиёт (математика), жуғрофия, геометрия, тиб илми, кимё ва бошқа фанлар ўрин олган.

Талабаларга фиқҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) мукаммал ўргатилган. Ислом фиққи мусулмонларнинг ҳуқуқ ва бурчларини баён қилиб, шахсий ва жамият ҳаётидаги тартибларни қарор топтирган. Бу илм ҳаётдаги ҳамма масалаларни аниқ ва тушунарли ечиб берган.

Мадрасаларда мантиқ илмларнинг дебочаси деб қаралган. Бу фан “Шамсия” ва “Сулла” асарлари асосида ўргатилган. Эътиборга сазовор жойи шундаки, мадрасаларда қадимги юнон ва ҳинд фалсафаси асосида шаклланган фалсафа дарсини ўқитиш алоҳида ўрин эгаллаган. Жумладан, Садриддин Тафтазонийнинг “Таҳзиб”, Умар Насафийнинг метафизика негизида ёзилган илми нужум, яъни астрология ва космографияга оид “Ҳикматул-айн” асари, шунингдек, фалсафа ўрганилган. Ўқиш жараёнида талабалар Навоий, Фузулий, Бедил, Саъдий Шерозий, Машраб, Сўфи Оллоёр каби кўплаб машҳур шоирларнинг девонларини қунт билан ўрганишган. Мадрасаларда ҳадис ва Қуръон тафсирига оид Имом Бухорий, Имом Термизий, Қози Байзовий ва Маҳмуд Замаҳшарий китобларини ўқитишга алоҳида аҳамият берилган.

Мадрасаларда билим олиш мумкинлиги, бу ерда ҳам диний, ҳам илмий, ҳам маданий фанлар бўйича дунёга танилган мударрислар, олимлар бор бўлганлиги учун ҳам Туркистонга турли мамлакатлардан кўплаб талабалар келиб ўқиганлар.Қўқон хонлари даврида турли мансабларда хизмат қилган Муҳиддинхўжа 1861 йили Қўкондаги мадрасалардан бирида ўқиган. Кейинчалик у Н.Ликошинга сўзлаб берганига қараганда, мударрислар талабаларнинг мадрасадан ташқарига чиқиб маишат қилганларини ёқтирмаган. Талабалар вақтларини эрталабдан кечгача домлаларининг тушунтиришларини эшитиб, китоб ўқиш ва хаттотлик машқлари билан ўтказардилар. Пайшанба кунлари домлалар уйларига кетганлар, талабалар эса бўш вақтларини ўйинлар билан банд этганлар. Жума кунлари ўқиш бўлмаган. Талабалар баъзан бозорга бориб маддоҳларнинг ҳикоя ва диний ривоятларини эшитар эдилар.

Талабаларнинг кўпчилиги эса Қўқон хони борадиган ва олимлар йиғиладиган Жомеъ масжидига боришни орзу қилганлар. Бу ерда жума намозидан кейин олимлар билан биргаликда қуръон ва шариат ҳақида мунозаралар ўтказилган. Бунда кўплаб машҳур дин аҳллари, олимлар, ёш мутахассислар ҳам хон олдида ўзларининг билимларини, ақл ва ҳаракатларини кўрсатишга интилган. Истеъдоди борлар, албатта, хон назарига тушган ва кейинчалик қобилиятларига мувофиқ мансаблар ҳам олганлар. Бундай кунларда, одатда хон ўзининг ёнига олимларни таклиф қилиб, уларга шариатнинг турли маъноga эга бўлган бирор масаласини тавсифлаб, шарҳлаб беришни сўраган. Олимлардан бирортаси биринчи бўлиб ўз фикрини баён этган. Кейин мунозара бошланиб, ҳар бири ўзининг шарҳини айтиб, мисоллар билан тасдиқламоқчи бўлганлар. Бундай мунозара бир неча соатларга чўзилиб кетган.

XIX асрда Қўқон шаҳрида олий ўқув юрти сифатида ташкил қилинган мадрасалар кўп эди. Улар, шунингдек, тарихий меъморий ёдгорликлар ҳамдир. Улардан кўпи шу кунга қадар сақланиб қолмади, номлари ҳам номаълум. Сақланиб қолганлари ҳақида эса айрим ёзма парчалар ёки кўпинча фақат номлари эслатиб ўтилган холос. Маълумотларга қараганда, XIX асрнинг охирларида шаҳар ва унинг атрофида 52 та мадраса, 120 дан ошиқ мактаб, 50 дан ортиқ масжид, 44 та карвонсарой, 20 та бозор, 10 дан зиёд банклар тарихий иншоотларда фаолият юритган**.[10].**

Мадрасаларда аниқ дарс жадвали бўлмаган. Дарс вақти ҳам мударрис ва талабаларнинг ўзаро келишуви асосида белгиланган. Дарслар асосан бомдод намози ўқилганидан сўнг бошланган. Ўқув ҳафтаси иккига – таҳсил (шанба, якшанба, душанба, сешанба) ва таътил (чоршанба, пайшанба, жума) кунларига бўлинган. Мадрасаларда ўқиш 20-25 йилга чўзилса ҳам, ўзлаштириш талаби қаттиқ бўлиб, агар талаба бир китобни яхши ўрганиб, синовдан ўтмаса, унга навбатдаги босқичда ўқиш насиб этмаган.

Мадрасаларнинг ҳудудий хусусиятлари билан боғлиқ фарқлари уларнинг жойлашган ўрни ва обрўйида ҳам яққол кўзга ташланади. Шу сабабли ҳам пойтахт, йирик шаҳарлар ва қишлоқлардаги мадрасалар битирувчилар тамомлаган мадраса мавқеидан келиб чиқиб ўзига иш топган. Баъзилари эса, янада чуқурроқ билим олиш мақсадида Қўқон ёки Бухоро мадрасаларига бориб таҳсилни давом эттирганлар.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиё мадрасалари ўқув дастури бирмунча ислоҳ этилиб, уларда ўқитиладиган фанлар таркибига турк, рус, француз, инглиз тиллари, физика, зироатчилик, ҳисоб, гигиена, психология, методика, тригонометрия, сиёсий иқтисод, тижорат каби фанлар кириб кела бошлаган. XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлигида 336, Хива хонлигида 132, Туркистон генерал-губернаторлигида 348 мадраса бўлган. XX

асрнинг иккинчи чораги бошларида совет ҳукумати томонидан мадрасалар диний муассасалар қаторида давлатдан ажратилган ва «хурофот ўчоқлари» тамғаси билан тугатиб юборилган

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан холда, хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, XVIII-XIX аср бошида юзага келган Қўқон хонлигидаги мадрасалар фаолияти ҳам ана шу даврларда юз берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар ҳамда маданий-маънавий ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар билан ҳамоҳанг эди. Олимхон (1798-1810) ва Умархон (1810-1822) бошқаруви йилларида мамлакатда марказлаштириш сиёсатининг якунига етказилиши ва олий ҳокимиятнинг қарор топиши мамлакатнинг турғунлик давридан деярли барча соҳаларда ривожланиш даврига ўтишига туртки берди. Гарчи, олдинги асрлардагидек аниқ ва табиий фанлар, китобат санъати юксак даражада ривож топмаса-да, адабиёт, меъморчилик, амалий санъатнинг бир қатор соҳаларида ўзига хос ўсиш юз берди ва Қўқон адабий муҳити барқарор шаклланди десак хато қилмаган бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Атоқли адиблар ва мутафаккирларимиз ижодий меросини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ҳамда адиблар ҳиёбонидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.08.2020 йилдаги 502-сон Қарори,

2. Алижўжаев М. Қўқон хонлигининг маданий ҳаётида мактаб ва мадрасаларнинг тутган ўрни, Тошкент 2012, автореф.. –Б.15.

3. Абдураҳим Ҳасанов //“Ислом нури” газетаси. 2020 йил 16-сон

4. Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 55.

5. Каталог среднеазиатских жалованных грамот. Из фонда Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан. Составители: А.Урунбаев, Г.Джураева, С.Гуломов. Orientwissenschaftliche Hefte. 23/2007. – С.17

6. Расулов Б.М. Ўзбекистондаги мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихидан (XIX аср охири - XX асрнинг 20 - йиллари): Тарих фан. номз. ... дисс. – Андижон: АДУ, 1996. – Б. 18.

7. Хатамова З. Қўқон хонлиги солиқ сиёсатида мадрасаларга яратилган имтиёзлар тарихидан. “Мадраса ва олий таълим тарихини ўрганишнинг долзарб муаммолари тарихидан” номли Республика илмий амалий конференция. Самарқанд, 2020 й. . – Б.38 ,117

8. https://hidoyat.uz/56650

9. https://cyberleninka.ru/article/n/on-adabiy-mu-iti-namoyondasi-ma-zunning-ayoti-va-faoliyati-hususida-
10. http://www.adolatgzt.uz/society/4125
11. http://hozir.org/onda-halc-talimi.html